



ХАВАР

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqan boshlagan

2003 yil, 14 mart № 11 (548)

Sotuvda narxi erkin

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АМАЛДА

"Ўзбектелеком" АК "Бухоро Телеком" филиали меҳнат жамоаси конференциясида филиалнинг 2002 йилдаги молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти яқунлари ва жамоа шартномасининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Корхонанинг 2002 йилдаги молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти яқунлари ва жамоа шартномаси мажбуриятлари бажарилиши юзасидан филиал директорининг ўринбосари Ў.Тўхтаев ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси У.Фахриддиновларнинг ҳисоботлари тингланди.

Филиал жамоаси томонидан 2002 йили 2,914 миллион сўмлик алоқа хизмати кўрсатилган. Даромадлар режаси 106,7 фоизга бажарилиб, кўшимча 184,0 миллион сўм даромад олинган. Утган йилга нисбатан таққосланганда 115,0 фоиз ўсишга эришилган. Нархлар ва тарифлар бўйича ҳисоблаганда даромадлар 1,5 мартага кўпайган. Даромадларнинг ўсиш сурьати бўйича Фиждун туманида энг юқори кўрсаткичга эришилган.

Ишлаб чиқаришдаги ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам тилга олин-

ди. Баъзи туманларда сўзлашув шахобчалари ташкил этилмаган, таъмирлаш жамғармасига режалаштирилган маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаётир, жойларда меҳнат муҳофазаси бўйича камдан-кам кўрсатмалар берилмаётир, жорий ва тубдан таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас. Бугунги кунда провайдерларни жалб этган ҳолда сўзлашув шахобчалари ишини йўлга қўйиш, почта бўлимларида ҳам аҳоли учун телефонлар ўрнатиш зарур.

Ишловчиларни ижтимоий муҳофазалаш бўйича жамоа шартномасидаги барча бандлар бажарилган. Уртача ойлик иш ҳақи бугунги кунда 49,600 сўмни ташкил этмоқда. Бу энг кам иш ҳақининг 10,9 бараварига тенгдир. Айни чоғда ижтимоий муҳофаза йўналишидаги ишларни етарли деб бўлмайдди. Жумладан, ходимларнинг ишдан бўш вақтларини унумли ўтқа-

зишларини таъминлаш мақсадида уюштирилган турли тадбирларни янада кўпайтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ишловчиларнинг махсус кийим-бошлари сифатини яхшилаш талаб этилади.

Анжуманда сўзга чиққан "Бухоро Телеком" филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи М.Жумаев, Қоракўл, Шофиркон, Фиждун туманлари телекоммуникация боғламалари бошлиқлари Ш.Бозоров, Н.Жалилов, Х.Дехқонов ҳамда Ромитан тумани телекоммуникациялар боғламаси цех касаба уюшмаси кўмитасининг раиси С.Асадов ва бошқалар ўз меҳнат жамоаларида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам борлигини таъкидлаб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий тақлифларини билдирдилар.

Конференцияда "Ўзбектелеком" АК Бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Аллаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Қосимовлар иштирок этдилар.

А. ИСТАМОВ

ТАЙНЛАШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра **Махсум Мубаширович МАХМУДОВ** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари этиб, **Ағзам Фахриддинович ИЗБОСАРОВ** ва **Анатолий Алексеевич ДЖИКАЕВ**лар эса Бош директор ўринбосарлари этиб тайинланди.

МАҲОРАТ ОШИРИЛСА...

Давлат алоқа инспекцияси ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш бўйича 2003 йилги режани бажариш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 10-12 март кунлари Давлат алоқа инспекциясининг бир гуруҳ мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Давлат хизматчиларининг бошқарув маҳоратларини ошириш — "РАН-ВАН" Марказида ўзи малакалари ва маҳоратларини ошириб қайтдилар.

Ушбу Марказ Европа Иттифоқининг TACIS лойиҳаси билан ҳамкорликда 2000 йили ташкил этилган бўлиб, асосан юқори ва ўрта бўғин раҳбар кадрларнинг бошқарув маҳоратларини узлуксиз равишда ошириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Марказ томонидан ташкил этилган қисқа мuddатли ўқув курсларида Давлат алоқа инспекцияси мутахассислари билан биргаликда "Ўзбектелеком" ак-

циядорлик компанияси ва "Ўзбектелеком интернетшл, АЖ" қўшма корхонаси филиаллари мутахассислари ҳам қатнашдилар.

Таъкидлаш жоизки, тингловчиларга ўқув материалларини етказиб бериш услуби Марказ профессор-ўқитувчилари томонидан моҳирлик билан танланиб, машғулотлар асосан сўхбат ва баҳс-мунозара кўринишида олиб борилди. Мақсад тингловчиларнинг ўқув жараёнига бўлган қизиқишларини янада орттиришдир.

Назоратчининг мулоқот ва бошқариш маҳорати ҳамда малакаси қанчалик юқори бўлса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай ўқиш ва малака оширишдан кейин мутахассислар корхона раҳбарияти томонидан қўйилаётган вазифаларни бажаришда самаралироқ ютуқларга эришиши шубҳасиздир.

А. МАТКАРИМОВ,

Давлат алоқа инспекцияси бўлим бошлиғи

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЯНГИЧА ИШ УСЛУБИ

Урганч шаҳрида "Хоразм почтаси" АЖнинг йилгилик бўлиб ўтди. Унда акциядорлик жамияти директори Маматсалай Полвонов корхонанинг 2002 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Утган йилги корхона томонидан кўрсатилган хизматлардан олинган даромад 420 миллион 507 минг сўмни ташкил этди. Шундан аҳолига 102,3 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Пенсия тўловини тарқатиш бўйича бажарилган хизматлар салмоғи умумий даромаднинг 60 фоизига тенг бўлди. Даврий наشرларни тарқатишдан тушган маблағ жами даромаднинг 13 фоизини, қўшимча хизмат кўрсатишнинг умумий даромаддаги салмоғи эса 22,2 фоизни ташкил қилди.

Корхонанинг даромад олиш ҳақига салбий таъсир қўрсатган омиллар ҳам бўлди. Баъзи ҳолларда банслар томонидан ҳал қилинган ўз вақтида берилмагани акциядорлик жамиятининг яқунли молиявий-ҳўжалик фаолиятига сезиларли путур етказди. Шунингдек, иккинчи ярим йилликдан бошлаб маҳсулот сотишдан 5 фоизли солиқ тўлашга ўтилгани боис

режалаштирилган фойда даражасига чиқиш имконияти бўлмади. Богот ва Питнак филиаллари йилни зарар билан яқунлагани ҳам корхонанинг молиявий аҳолига салбий таъсир қўрсатди.

Активдорлар акциядорлик жамияти раҳбарини ўзлари сайлаш ҳуқуқига эга. Корхона раҳбари ёлланма бошқарувчи сифатида ва шартнома асосида бир йил фаолият кўрсатади. Акциядорларнинг янги-ча иш услуби корхонанинг янада ривожланишига туртки бўлади. Йилгиликда кўп йиллик тақрибга эга бўлган етук мутахассис Маматсалай Полвоновга ишонч билдирилиб, акциядорлар уни бир йил мuddатта директорликка сайлашди.

Йилгиликда акциядорлар ноанъанавий хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, фойда ва шунга яраша дивиденд салмоғини ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Корхона ижроия органи почта соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 2003 йил учун белгиланган таъбир ва режалар бажарилишини, ишчи-хизматчилар ҳамда активдорлар манфаатдорлигини оширишни асосий вазифа қилиб белгилади.

Ф. МУҲАММАДИЕВ,
Хоразм вилояти

Аҳоли хизмат кўрсатиш турлари орасида почта хизмати алоҳида ва муҳим ўрин тутди.

Республика бўйича ички ва ташқи почта жўнатмалари "Халқаро почта" АЖга келиб тушади. Бу ерда жўнатмалар ўз йўналишига кўра сараланади ва тегишли манзилларга жўнатилади. Келиб тушаётган жўнатмалар, айниқса хат-жилдларнинг ташқи кўриниши, елимланиши, ёзувларнинг аниқ эмаслиги, ностандарт-эски намуна эканлиги, почталанган ва эскириб кетганлиги почтаман хизматчилари ш фаолиятига салбий таъсир қўрсатиб, хатларнинг эгасига кечикиб боришига сабаб бўлмоқда.

Кейинги вақтларда республикамиздан хатларнинг МДХ ва хорижий давлатларга жўнатилиши кўпайган. Лекин хатжилдларнинг сифатсиз ва нуқсонли эканлиги туфайли "Ўзбекистон почтаси" ДАК номига хориждаги почта хизмати кўрсатиш маъмуриятларидан асосли қинов ва эътирозлар бўлмоқда. Бундай ноҳушликлар чет эл алоқачилари олдида почтачиларимизнинг юзини шувит қилиб қўймоқда.

"Халқаро почта" АЖда жўнатилаётган хатларга алоҳида эътибор берилаяпти. Сифатсиз хатжилдларни таъмирлаш, белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштириш ва жўнатиш билан машғул бўлган махсус иш жойи жорий қилинган. Бу эса ўз навбатида ортиқча куч, вақт ва маблағ талаб қилади.

ХАТЛАРИМ ЕТСИН ДЕСАНГИЗ

Республикамизда хатжилдлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ёки четдан олиб келаётган бир қанча корхоналар мавжуд. Айтиб ўтиш жоизки, бу корхоналарнинг аксарияти ички бозоримизни талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар билан таъминламоқда. Асосий камчилик — хатжилднинг елимланиб мустаҳкамланмаган қисмида елимнинг умуман йўқлигидадир. "Қўлбола" елимланиш оқибатида хатжилдларда пайдо бўлган катта-кичик доғлар, суртмалар ҳақли эътирозларни келтириб чиқармоқда. Бундай хатлар гўёки очилиб сўнг яна елимлангандай таассурот қолдиради.

•Mulohaza
•Muammo

Юртимиз почта алоқасининг савияси ози-кўпми хатжилдлар билан таъминлаётган корхона ва муассасаларнинг ҳам зиммасидадир. Худудимизга четдан сифатсиз, ностандарт хатжилдларни олиб келиш ва сотилишининг олдини олиш ҳамда республикамизда расмий қабул қилинган халқаро стандартларга мос

маҳсулот чиқаришни назорат қилиш Давлат алоқа инспекцияси томонидан қуйғатилди айни мuddао бўлар эди.

Мижозлардан хатлари тўсиқсиз ва ўз вақтида манзилларига етиб бориши учун амалдаги стандартга жавоб берадиган хатжилдлардан харид қилишларини сўраймиз. Акс ҳолда нуқсонли, талабга жавоб бермайдиган хатларини ўзларига қайтаришга мажбур бўлаемиз.

Шухрат ПИРМУҲАМЕДОВ,
"Халқаро почта" АЖ
Почта хавфсизлиги
хизмати инспектори

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Тошкент ахборот технологиялари университети қўйидаги Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази Агентлик тасаруфидидаги барча корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласи билан шуғулланади. 2002 йили ўқув марказимизда Агентликнинг "Ўзбекистон почтаси" ДАК, "Ўзбектелеком" АК, Электромагнит мослашув маркази, Шаҳарлараро ва халқаро тармоқларни бошқарув маркази, Давлат алоқа инспекцияси ҳамда "Алоқанвест" АЖ каби йирик корхоналардан 315 нафар раҳбар ва мутахассис-техник ходимлар ўз малакаларини оширишди. 70 нафар ёшлар асосида курсларда ўқидилар. Тингловчиларга мутахассислик фанларидан ташқари "Миллий ғоя ва мафкура", "Маънавият ва маърифат" йўналишлари бўйича ҳам маъруза ўқидилар.

Мутахассислар малакасини ошириш курсларини ташкил қилишда "Ўзбектелеком" АКнинг

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Шаҳарлараро алоқа корхонаси", "Андижон Телеком", "Бухоро Телеком", "Навоий Телеком" ва "Хоразм Телеком" филиаллари ўз ҳиссасини қўшдилар. Лекин "Сурхондарё Телеком" ва "Наманган Телеком" филиаллари, "Ўзбектелеком интернейшнл АЖ" қўшма корхонасининг "ЎИ-Жиззах", "ЎИ-Термиз" шўба корхоналари режани бажаришда сустқашлик қилдилар.

Соҳаимизда охириги ўн йилда рақамли коммутишон ва узатиш тизимлари ишга туширилишига қарамай, уларни сифатли эксплуатация қилиш учун мутахассислар малакасини оширишга корхона раҳбарлари жиддий эътибор беришмапти. Жойларда мутахассисларнинг жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган малака ошириш режаси ва графиги тайёрланмаган. Курсларга юборилган мутахассисларнинг айримлари сидқидилдан малака оширишга интилмаптилар. Марказнинг ҳозирги ташкилий таркиби унинг келажақдаги

ривож ва янада мукамаллашуви ташкил қилинмапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги 200-сонли "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникациялар технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Президентимизнинг жорий йил, 17 феврал кунини 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари юзасидан қилган маърузасида қадрларни қайта тайёрлашдаги жиддий камчиликлар ҳақидаги танқидий мулоҳазаларидан хулоса чиқариб ҳамда Агентликнинг яқинда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида берилган кўрсатмалар асосида қадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш чора-тадбирларини қайта ташкил қилиш лозим.

С.СИДИҚОВ,

Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази директори

РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

"Навоий почтаси" акциядорлик жамиятида меҳнат кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили корхона таркибидagi 10 та туман ва шаҳар филиаллари ҳамда 110 та алоқа бўлимларида меҳнат қилаётган 470 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш борасидаги савий-ҳаракатлари ижобий самара берди. Умумий ҳўжалик фаолиятдан 312,3 миллион сўм даромад олинди. Бу бир йил олдигига нисбатан 123,6 фоизни ташкил этади ёки белгиланган истиқбол кўрсаткичининг 152,6 фоизга тўғри келади. Хизмат кўрсатишнинг ноанъанавий турларини янада кенгроқ жорий этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Улардан 53925 минг сўм даромад олинди. Самардорликнинг ошиши алоқачилар ойлик иш ҳақини кўпайтириш имконини бермоқда. Якунланган йилда корхона ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 22 минг сўмга етказилди.

"Навоий почтаси" АЖ акциядорларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида корхона директори Усмон Жумаев 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунлари ва 2003 йил учун белгиланган вазифалар тўғрисида-

ги маърузасида эришилган ижобий натижаларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар тўғрисида ҳам алоқачилар фикр юритди. Уларни баргафат этиш, имкониятлардан самарали фойдаланиш, юқори кўрсаткичларни тинимсиз мустаҳкамлаб бориш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил, 24 январдаги "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуғлиги ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3202-сонли Фармони ҳамда 2003 йил, 13 февралдаги Р-1708-сонли Фармойишига асосан акциядорлик жамиятини ташкилий тизимларини такомиллаштириш, Низом жамғарилари ҳажмининг Президент Фармонида кўрсатилган миқдорга келтириш ва қайта ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг ўринбасари Р.Турғунновнинг ахбороти тингланди. Шунингдек, корхона фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олим Хўжаев

"ALSKOM" ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

акциядорларига 2002 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши
2003 йил, 18 март, соат 10⁰⁰да ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания фаолиятининг 2002 йилдаги асосий натижалари тўғрисида бош директор ҳисоботи.
2. Компаниянинг 2003 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
3. Акциядорлик жамиятининг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Компания Кузатув Кенгаши шахсий таркиби ҳақида.
5. Компаниянинг 2003 йилги молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторни тасдиқлаш.
6. 2002 йил учун дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисида.
7. Компания Ижроия органи раҳбарини ёллаш.

"ALSKOM" ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУГУРТА КОМПАНИЯСИНING 2003 ЙИЛ, 1 ЯНВАР ҲОЛАТИГА БЎЛГАН БАЛАНСИ

БАЛАНС ОТКРЫТОГО АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ "ALSKOM"
ПО СОСТОЯНИЮ НА 1 ЯНВАРЯ 2003 ГОДА

АКТИВ	ПАССИВ
Кўрсаткичлар номи Наименование показателей	Кўрсаткичлар номи Наименование показателей
Суммаси Сумма	Суммаси Сумма
1. Асосий воситалар (қолдиқ) Основные средства (остаточная стоимость)	1. Устав фонди Уставный фонд
12 689	250000
2. Шўба ҳўжалик жамиятларидаги акциялар – Акции в дочерних хозяйственных обществах	2. Тақсимланмаган фойда (қоплан- маган зарар) – Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток)
12 459	778
3. Ишлаб чиқариш захиралари Производственные запасы	3. Резерв капитал Резервный капитал
4 313	3355
4. Номоддий активлар Нематериальные активы	4. Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар Резервы предстоящих расходов и платежей
160	8380
5. Келгуси давр сарфлари Расходы будущих периодов	5. Олинган аванслар Авансы полученные
12 921	71 559
6. Пул маблағлари Денежные средства	6. Бюджет билан ҳисоблашув Расчеты с бюджетом
24 553	659
7. Кисқа муддатли молиявий қўйилма Краткосрочные вложения	7. Меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашув Задолженность по оплате труда
90 232	855
8. Дебиторлар Дебиторы	8. Қўшилган капитал Добавленный капитал
424	35 896
9. Сотиб олинган хусусий акция- лар Выкупленные собственные акции	9. Бюджетдан ташқари фондлар бўйича ҳисоблашув – Задолжен- ность по внебюджетным фондам
126 449	223
10. Валюта маблағлари Валютные средства	10. Бошқа кредиторлар Прочие кредиторы
134 947	4 593
	11. Келгуси давр даромадлари Доходы будущих периодов
	36164
	12. Мақсадли тушум ва фондлар Целевые поступления и фонды
	6 685
БАЛАНС БЎЙИЧА АКТИВ ВСЕГО АКТИВ ПО БАЛАНСУ	БАЛАНС БЎЙИЧА ПАССИВ ВСЕГО ПАССИВ ПО БАЛАНСУ
419 147	419 147

Баланс кўрсаткичлари ҳақиқийлиги "Global-Audit" МЧЖ аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган.
Достоверность показателей баланса подтверждена аудиторским заключением ООО "Global-Audit".

Кузатув Кенгаши

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

"Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси жамоаси "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти директори Хосият Жалиловага отаси **ҲАЖИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари билан ҳамда ушмаси кўмитаси жамоалари корхона директори Хосият Жалиловага отаси **ҲАЖИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг Сигналлар узатиш назарияси кафедраси муdiri Омонжон Абдуазизовга онаси **ХАЖИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳридаги 8-бизнес мактаби томонидан 2000 йили Нулфар Мирвалиевна ВАҲОБОВА номига берилган 112435-сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"АЛОҚАБАНК" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Алоқабанк" АТБ Кузатув Кенгаши 2003 йил, 12 апрел кунини соат 10⁰⁰да Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бизнесида (3-дават) банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Алоқабанк" АТБнинг 2002 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва 2003 йилдаги асосий вазифаларини белгилаш.
2. "Алоқабанк" АТБнинг 2002 йил якунлари бўйича бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
3. "Алоқабанк" АТБнинг 2002 йил иш фаолияти бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
4. "Ernest & Young Ltd" ташқи аудит компанияси ҳисоботини тасдиқлаш.
5. "Алоқабанк" АТБнинг "Умумий мақсадлар учун захира фонди"га ажратма миқдорини белгилаш.
6. "Алоқабанк" АТБнинг 2003 йилги бизнес-режасини ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. "Алоқабанк" АТБ Устав капитал миқдорини ошириш ҳамда Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
8. "Алоқабанк" АТБ Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.

Банк акциядорлари ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш
2003 йил, 12 апрел кунини соат 9⁰⁰дан 10⁰⁰ гача давом этади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86.

Кузатув Кенгаши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Электромагнит мослашув маркази оғоҳлантиради:

Республика ҳудудига руҳсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоэмиттерлар, симсиз радиотелефонлар, портатив радиостанциялар ва бошқа радиоэмиттер воситалари) ўрнатилган тартибда мушорара қилинади ҳамда уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун руҳсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлиmlарига мурожаат қилинишни мумкин.

БЎЛИНМАЛАР МАНЗИЛЛАШОҒИ:

Тошкент шаҳри, 115, Чилонзор тумани, Қирққўш кўчаси, 10-уй (катта Қозиробод маҳалласи ичида) тел. 115-22-50, 137-01-81.
Андижон шаҳри, Чўпон кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 5-66-50.
Бухоро шаҳри, Акад. И.Мунинов кўчаси, 2-уй, тел. 293-95-58.
Жиззах шаҳри, "Иттифок" мкр-н 3/1, 23-уй, 35-хона, тел. 6-53-63.
Нукус шаҳри, Еризаар Алакўш кўчаси, АМТС биноси, тел. 24-05-23.
Қарши шаҳри, 1 мкр-н, 43-уй, 62-хонадон, тел. 5-22-36.
Навоий шаҳри, Х.Дўстлиги кўчаси, 77-й, тел. 3-91-10.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8, 2-корп. 54-хонадон, тел. 6-20-30.
Самарқанд шаҳри, Селский, п/о Қолбоғ, СТРК, тел. 31-22-62.
Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 32-уй, тел. 6-04-96.
Гулистон шаҳри, Х.Дўстлиги кўчаси, 30-уй, тел. 25-44-56.
Фарғона шаҳри, Навоий кўчаси, 37-уй, 36-хонадон, тел. 26-49-53.
Урганч шаҳри, Анна Герман кўчаси, 9-уй, 84-хонадон, тел. 4-07-45.

● TARIX

Уйғониш даврининг йирик мусаввири Андреа дел Сартони замонадошлари хотинининг измидан чиқмасидека айбашлариди. Вақт — олий ҳақам дейишади, асрлар ўтган, ўтмиш воқеалар ўзига тус олади.

1518 йили "Рождество" кунин Парижда бўралаб қор ёғди. Эртасига қор эрисада, изиригин сувуқ тухтамади. Қирол саройида маъносиқ ҳукм сурарди. Сарой аҳли уюқларга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилишар, кўнишиб жимгина утиришар эди. Фақат Франциск I гина хурсанд эди. Қирол машаққатни хуш кўриш билан бирга тасвирий санъатни ҳам ёқтирарди. Мана бутун ҳам у яшай, яъни Андреа дел Сарто чизган суратни кўради...

Сурат катта хонанинг ўртасида турарди. Сарой аҳли уни томоша қилиш учун тўланишган. Биринчи бўлиб суратни кўриш ҳуқуқи қиролга берилганди. Франциск I ўз хайратини яширолмай, суратга янада яқинлашди. Саройда жимлик ҳукмрон. Франциск I эса хайратдан қотпан. Бу мусаввир ким бўлайкин?

Мусаввир додариб қолди. У қиролнинг кайфияти тез-тез ўзгаришига сира қуниқолмади.

— Бу "Севги васфи", олий ҳазратлари, — деди у базур.

Қирол яна суратга термудди. Суратдан ҳусту маломалда дунёда таъир бир мимак боқиб турарди. Илҳаждек сонлари олтиндек товланган, хумор кўзлари...

— Суратда қимми тасвирланганми? — қичқирди қирол.

Мусаввир бош қиймагани ешиб, ерга қаради: — Бу менинг хотиним, олий ҳазратларим!

Франциск I хоҳлаб қулиб юборди: — "Севги васфи" ётоқхонама илаиб қўйишми? Гузалмики томоша қилиш ҳуқуқи фақат қиролга берилган...

Юраги ҳажжонга тўла Андреа Париждан Флоренцияга етиб келгунча қўйидаги тулғичани бир неча марта пайпаслаб қўйди. Қирол унинг бир йиллик машовини олдидан улоқ қўйган эди. Ҳа, бўлмай бойлик етти улоқ тулғича ҳам кирмаган. Хотини Лукреция роса хурсанд бўладиган бўлди. Айтганча, хотини яқинда мақлуб олганди. Лукреция мактубида унинг келиб қолганидан аввалига роса эътиборни, кейин бироз тинчланганини ёзганди.

Сарто кўзини юмди. Қирол қаратаси уни Франциска бўйлаб едик учириб олиб кетди. Италияда киши туманлардан асар ҳам қолмабди. Эртанга қаддон Флоренциясида уни илаиб қўлиб олишарди.

... Бир йил илгари баҳорнинг биринчи кунинда ҳам қуёш чарақлаб турарди. Андреа

шаҳарнинг жин кучаларидан шаҳдам қадам ташлаб борарди. Унинг омади келган — сурат чизилган матонинг энг яқинидадан бир тўп сотиб олган эди. Тўтри, сифатли мато бироз қимматроқ турарди, аммо жуда камёбда қургур... Андреа қадам босдино оёғи ерга тегмаёқ муаллақ қолди. Фаросатини қўрга чўкиган бир аёл унинг шундоққина оёғи остига юшиди сочиб юборди. Оҳ, бу жин кучалар, бемалол юролмайсан! Тўспдан қаринидаги эшик очилди. Баланд бўйли, келишган бир аёл Андреага жимайиб боқди. Худо шохид, унинг табассумида қуёшнинг нақ ўзи порлаб тургандек эди!

Эртаси куну у юташиб аёлининг исми Лукреция

— Лукреция, қиролнинг тилхати билан баққанд олган пулларим қанга? — сўради мусаввир.

— Билмадим, — деди Лукреция.

— Мана бу жойда турганди, — гадаётини кўрсатди Андреа.

— Буларми? — энгли хурсинди Лукреция.

— Уч hafta илгари тулаган. Мен қимматбахо маржон сотиб олгандим, эсингдами, сенга жуда ёқувдиму!

Андреа ҳолсизлигини ўридиққа секин чўқди. Демак, пуллар аллақачон тугабдида. Нафақат ўз пуллари, ҳатто қирол берган пуллар ҳам сарфлаб бўли-

"МАДОННА"МИДИ ЁКИ ЖОДУГАР?



реция дел Феде эканлигини билди. Ёш бўлишига қарамай, у аллақачон бева қолишга улғурибди. Кекса эри унга сариқ чақаям қолдирмабди. Узи эса ўттизин қоралаб қўйган, устига-устак пули ҳам кўп эмас... Турмуш қуришганидан сўнг у хотинига қараб Мадоннанинг суратини чиза бошлаганида ҳам унинг қимматбахо ёвничилигини қарзга олишга тўтри келганди. Андреа эса Мадоннани шундай чизгандики, тасвирий санъат усталари ҳам унинг маҳоратига тин беришган эди. Мана, Франциск I унинг хизматларини тақдирлади. Энди Андреа хотинининг яхши яшашига шароит яратиб бера олади.

... Андреа уч хонали уйни ижарага олди. Буларнинг бarchиниси тентанали ишчиолаш ҳам керак-ку! Шаҳарликлар Франция қироли флоренциялик мусаввирни қандай кўтиб олганини билмиш истаншарди. У бир ойдан кўп зиёфат бериб, бутун шаҳар аҳлини меҳмон қилди. Бахдан гулгул оғилиб кетган Лукреция ҳар кун дўқонларини айланар. Андреа эса хотини қувноётганини, кўриб мийибдида қулиб қўя қолар эди. Ниҳоят, қирол Франциск бюртмаси ҳақида ҳам ўйлаш фурсати етди.

нибди. Шунча маблагча, уни бир умр ишлаб ҳам топиш қўйини. Мана бу ақсиз аёл эса қандайдир маржон ҳақида вайсаётти...

— Айтганча, уша маржон қани?

— Синглимга сова қилдим. Яна холаваччаларим, жинларим келишганди. Уларни сова-саломсиз жунатолмайман-ку! Хурсанд бўла қолишини, дедимда. Уларнинг сенга ўхшаган ажойиб эрлари йўқ бўлса. Сен эса менга бошқасини сотиб олиб берсан...

Катта уйни тошвиришга тўтри келди. Сотиб мулкни бўлган барча нарса сотилади. Аммо қарзи тулғича бўлай етармикин? Бойваччалар эди Сартовнинг устакхонасига қадам босмай қўйишди. Шопирдлари ҳам уни тарк этишди.

Андреа хизмат ҳақи борасида тортишиб ўтирмас, арзон-таровга ҳам ишлайверарди. Одамлар билан муомала қилишни билмаслиги етмагандек, ичкиликка ҳам ружу қўйди. Буюртмаларни айтган вақтида тайёрлаб беролмайганидан бўлди.

Кечани ичкиликбозликдан юзлари қизариб кетган Андреа хурсинди, кузидан оқетган ёшлар юзини юшиб тушди. Уйга кирган Лукреция мис уйқудати эри ва деворга сўиб қўйилган суратларни кўриб, даҳшатга тушди. Сотиб олганман бюртма-қўри! Биби Мариявнинг, Муқаддас Цецилия, Елизаветанинг суратлари... Ҳаммасида қизларнинг қиёфаси.

— Андреа! — қичқирди Лукреция. — Сен бюртмаларга фақат менинг расмиини чизма. Сен натурани аёл топишга керак! Жуда бўлмас, бирорта маъшуққа топгин!

Уйқуси учмаган эри унга қараб деди:

— Сендан бошқасини чизолмайман.
— Чиза олсан! — Лукреция эшикка отилди. — Мен кетаман! Қачонки мени чизишни бас қилсанг қайтиб келаман!
Эшик ёпилади... Икки ойдан сўнг Флоренцияга ўлат етиб келди.



... Андреа нинг садақатли шопирдалари пул тўлаб, улғурган суратларни дастозини дафти эшишди. Бир ойдан сўнг Лукреция боши оғиб, хувиллаб қолган уйига қайтиб келганда у ерда ҳеч нарса қолмаганди. На мебеллар, на суратлар... Лукреция ойна олдига да турар, ёноқларидан кўз ёшлари дувдув тукилар эди. Наҳотки у жодулар бўлса? Яхшилик, черковга бориб гуноҳлари учун таба қилиши керакмийкин... Аммо Лукреция черковга боришга улғурмади. Бир неча кундан сўнг у ҳам вафот эди. Айтишларича, уша уйда ўлат юққан эмтиш.

1530 йили Андреа дел Сартовнинг суратлари кимодди савдосида қиммат нарҳда сотилди. Асрлар ўтди ва унинг минг йилликнинг дастлабки йилида Сартовнинг "Мадонна"ларидан бири Сотби аукционда бир миллион долларга баҳоланди. Уйғониш даврининг йирик мусаввири Андреа дел Сарто кўшлаб диний, мифологик мавзуларда суратлар ҳамда кўшлаб замонадошларининг портретларини чизди. Унинг асарлари Флоренциянинг черков ва монастирларида, дунёдаги энг йирик музейларда сақланиб қолган.

Уз даврининг машҳур мусаввирлари Рафаэл, Тивон, Микеланжело ва бошқалар ажойиб ишон Андреани нафақат иқтидори, балки инсоний ҳуқуқларини учун ҳам ҳурмат қилганлар ва у билан қанин дўст тутишган.

И.АХМЕДОВ тайёрлади

"ҚАНЧАЛАР СЕВИШИМНИ БИЛСАНГ ЭДИ"

♥ Гул дўкони кўргазмасидаги ёзув: "Чекиш ва аёлининг туғилган кунини ёддан чиқариш соғлиқ учун ўта хавфлидир".

♥ Фақат сўзлар билангина эмас, гулдаста орқали ҳам ёлгончи бўлиш мумкин.

♥ Кичикроқ совгалар билан дўстликка, каттароғи билан эса муҳаббатга эришилади.

♥ Гул — энг яхши совға. Бошқа ҳаммаси жуда қиммат туради.

♥ Чин муҳаббат фақат ёзишмалардагина бўлади.

♥ Сиз аёлни уздан мактуб олмагунча билолмайсиз.

♥ Аёллар эркаклардан ҳимояланишга шу қадар ўрганиб қолишганки, ҳужумга учрамасаларда ўзлари ҳужум қилиб қолишади.

♥ Бу хонинга ишқибозлик қилиш хавфи эди: бу худди ютук чиқиб қолишидан хавфсираб ўйналадиган лотереяга ўхшарди.

♥ Хотинлар орқасидан югуриш мутлақо хавфсиз. Фақат уларни тутиб олиш хавфлидир.

♥ Хотинлар чиройли эркакларга эмас, чиройли хотинлар билан юрган эркакларга эътибор қиладилар.

♥ Хотинлар орқасидан ҳам, трамвай орқасидан ҳам чопма. Ҳамиша навбатдагисини келади.

♥ Муҳаббат ҳамини унга бўлган ишончга нисбатан кенгроқ тушунча. "Мен сени қанчалар севишимни билсанг эди!" деган оддий сўзлар замирида чуқур ва чексиз ҳақиқат бор.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

МАРВАРИД ШОДАЕН

КИБОУЛА

Ҳофиз ибн Ражаб ушбу ҳикояни қози Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулқоийдан нақл қилдилар:

"Мен Макка шаҳрида фақирона ҳаёт кечирар эдим. Бир кун кўчала ҳамён топиб олдим. Уйга келиб очиб қарасам, ичидан бир шола марварид чиқди. Бу нақасини умримда кўрган эмасман.

Қайтиб кўчага чиқдим. Бир олам: "Мен ҳамёнимни йўқотиб қўйдим, ким топиб олиб қайтариб берса, беш юз динар бераман", деб юрган экан. Шунда мен, қорним оч, ҳоҳатмандман, ҳамёнимни бериб, эвазига пулни оламун ундан фойдаланаман, деб ўйладим.

Уша одамни чақирдим. У уймага киргач, ҳамён ва ундаги марвариднинг белгиларини сўрадим, аниқ айтиб берди, сўнг унга ҳамёнимни топширдим. У беш юз динар пулни узатди. Аммо мен оламдим, олишини эп кўрмадим.

Оралан анча вақт ўтиб, денгиз сафарига чиқдим. Ногаҳон кемамиз ҳалокатга учраб, ҳамма сувга гарқ бўлди. Аллоҳ таолонинг иродаси ила ёлғиз менгина бир парча тахтага ёпишиб, жон сақлаб қолдим. Кейин бир оролга чиқиб олдим ва ўша ердаги масжидда

паноҳ топдим. Менинг чиройли Курьон ўқушимни эшитиб, одамлар олгимга кела бошлашди. "Езувини ҳам биласанми?" деб сўрашди. "Ҳа", дедим. Улар бола-чақалари билан келиб, ўқини ва ёзишни ўргана бошлашди. Моддий ёрдамлари тўғайли мен ҳам ўзимни тиклаб олдим. Кунлардан бир кун улар мени уйлантириб қўймоқчи бўлишди. Бир етим қизлари бор экан, аввалига рози бўлмадим, лекин улар қис-тайвергач, розилик билдилдим.

Туй куну... қизнинг бўйнидаги марваридга кўзим тушиб, ҳайратда қотиб қолдим. Бу ўша — мен топиб олган марварид эди. Одамлар менинг ҳолимга ҳайрон эди. Уларга бошимдан ўтган ўша воқеани айтиб бердим. "Аллох акбар!" деб тақбир айтиб юборишди одамлар. Сўнг бу қизнинг отаси ҳамёнимни йўқотган киши эканини, у умрининг охиригача: "Дунёда ҳамёнимни қайтариб берган йиғитга ўхшаган софдил кишини бошқа кўрмадим, эй Аллох, мени яна ўша йиғитга рўбару қил, қизимни унга никоҳлаб берай", деб дуо қилганларини айтиб беришди..."

•Musulmonlar taqvim kitobidan

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фаргона почтаси" акциядорлик жамияти Ровон филиали жамоаси корхона бош ҳисобчиси **МИНАРЖОН ЗАЙНИДИНОВ** ҳамда мейёрловчи **Раҳмонжон МУЗАФФАРОВ**ларни туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклайди. Уларга сийхат-саломатлик, узоқ умр, бахт саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Сирдарё Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари корхонанинг Иқтисод хизмати бўлими етакчи муҳандиси **Бахтиёр ИБРОҲИМОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қўтлайди.

Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, ишларига Аллоҳдан ривож тилаб қолади.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Алишер ХУҲАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирўлғат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЭС: 64600
Жума кунлари чиқеди

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма №Г-249.
10528 нусxada чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақлаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA АКЦИJDAPЛИК КОМПАНИJАСИ БОСМАХОНАСИ.

Мониторинг Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифачилар: Ш.КИМсанБОВЕВ

Босишга топшириш вақти — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00